XOR/B2G-28241232 - СОН

**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КУРСАТИЛИШИ ТУҒРИСИДААБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

18 /01/2022 йил Хазорасп т

**“Ўзбектелеком” Акциядорлик компанияси** (кейинги уринларда-Компания) номидан 05.01.2021йилдаги 27-01-14/33-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Хоразм филиали директори Самандаров Ахмаджон Султанович (кейинги уринларда-Оператор) бир томондан ва **ХАЗОРАСП ТУМАНИ ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БУЛИМИ** номидан Устав (Низом, руйхатга олинганик туғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Курбонбоев Қодам (кейинги уринларда – Абонент) иккинчи томондан, (кейинги уринларда биргаликда –Томонлар) телекоммуникация хизматлар курсатилиши буйича куйидагилар хақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда Шартнома) туздилар:

**1.Шартнома предмети**

1.1.Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

-Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 367- 369-моддаларига мувофик “Узбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини курсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи булган Оммавий офертаси (кейинги уринларда – Оферта) шартлари билан тулик танишиб чикканлигини тасдиклаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари курсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

-Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс туловини амалга ошириши ва тулов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сузсиз кабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2.Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар руйхати доирасида уз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс туловини амалга ошириши мумкин.

1.3.Хизмат курсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури хамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**2.Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1.Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга булади.

2.2.Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга эга булади.

2.3.Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз хуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3.Ҳисоб-қитоб ва туловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома буйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) курсатилганидан кейин туловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари татбик этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада курсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тулови **100 ( бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан туланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов буйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури буйиа) курсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алосида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти булган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури буйича) мувофик курсатилган ҳизматлар хажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни хисобга олган холда) 750000 ( етти юз эллик минг ) сумни ташкил этади. Ушбу сумма 750000 ( етти юз эллик минг ) сум миқдоридаги Абонент туловини ҳамда ________ (________________) миқдоридаги бир марталик туловни уз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган такдирда, ортикча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кушимча келишув/такдим этилган ҳисоб-фактура асосида туланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида хар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада курсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини утқазиш йули билан Оператор томонидан курсатилган ҳизматлар ҳақини тулайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар курсатиш учун етарли маблағ булмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура буйича тўлов амалга оширилмаган булса, Оператор ушбу Шартнома буйича хизматлар курсатилишини тухтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун туловларни амалга оширмаслигига асос була олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган туловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Оферта коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар куринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун туланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида туланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9.Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган ҳизматларнинг тулик календарь ойи учун умумий миқдори курсатилади.

3.9.1.Агар Абонент **10 (ун) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура буйича уз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури буйича ҳисоб-фактура қабул қилингаң ва хизматлар тегишли тарзда курсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тулов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10.Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий булганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

**4.Томонлар жавобгарлиги**

4.1.Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофик белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Узбекистон Республикаси конун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар булади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

**5.Низоларни ҳал килиш тартиби**

5.1.Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боглиқ масалалар буйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Узбекистон Республикаси конунчилигига мувофик ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган ҳолда узаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2.Томонлар уртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни узаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони булмаган тақдирда, низолар Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисодий судида куриб чиқилади.

**6.Алохида шартлар**

6.1.Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида уз ҳуқуклари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Узбекистон Респбликасининг коррупцияга карши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин булган ҳар кандай чоралар курмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, узаро ҳамкорлиқ маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини куради.

6.2.Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ булмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб булмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3.Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф куринишидаги мурожаати купи билан 30 (уттиз) кун давомида куриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни куриб чикиш учун 15 (ун беш) кундан ортик муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

**7. Якуний Қоидалар**

7.1.Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофик белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2.Ушбу Шартнома Томонлар уртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йилга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сунг, Томонлар (бюджет ташкилоти булган Абонентга татбиқ этилмайди) уз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган булса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1.**Бюджет ташкилоти булган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида руйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилга қадар амал қилади. 31 декабр

7.2.2.Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул килганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3.Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қушимчалар (агар мавжуд булса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент уртасида тулик Шартномани ташкил этади.

7.4.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) узгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳукукий шаклининг узгариши ва бошка узгаришлар руй берган тақдирда, Шартнома уз кучида колади. Томонлар бундай узгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ун) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5.Ушбу Шартномага узгартиришлар ва қушимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган булса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд булган тақдирда) билан тасдиқланган булса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6.Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган булиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

**8.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

| | |
|---|---|
| **ОПЕРАТОР:**<br>**“Узбектелеком” АК**<br>**Хоразм филиали**<br>Манзил: Урганч ш., Аль-Беруний к., 1 - уй<br>Банк маълумотлари:<br>х/р: 20210000104074838358<br>СТИР:203366731<br>МФО:00401 АТБ “Алокабанк”<br>Тел: 1155<br>E-mail:xazarasptt b@umail.uz | **АБОНЕНТ**<br>**ХАЗОРАСП ТУМАНИ ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛНКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БУЛИМИ**________<br>Хазорасп тумани саноат к.к Бозор маҳалла<br>шхр: 100022860332207042133250001<br>ИНН 200419817; Ягона ғазна ҳисоб варағи<br>х/р 23402000300100001010<br>ИНН 201122919 МФО 00014 |
| **Оператор номидан:**<br>________ Самандаров Ахмаджон Султанович<br>/имзо/ | **Абонент номидан:**<br>________ Р. Курбонбоев<br>/имзо/<br>м.ў. |

Узбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг газна ижроси коидаларига
8-ИЛОВА

**18.01.2022 даги**

**O'ZBEKTELEKOM ва Хазорасп туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш булими уртасида 750000,00 сум умумий суммага тузилган XOR/B2G-2841232 - сонли шартномага**

**ТУЛОВЛАР ЖАДВАЛИ***

Боб 250

Шахсий газна хисобварак 100022860332207042133250001

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4292200 | | | |
| Январь | 250 000,00 | | | 250 000,00 |
| Февраль | 250 000,00 | | | 250 000,00 |
| Март | 250 000,00 | | | 250 000,00 |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил буйича** | **750 000,00** | | | **750 000,00** |

Жами 750000,00 сўм Етти юз эллик минг сўм 00 тийин

сумма суз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан 750000 сўм ёки 100 % *** шартноманинг умумий суммасидан 100 % ***2022 Хар ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик булинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — булим, кичик булим ва харажат моддаси курсатилади;

(***) — Юкоридаги курсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблаги олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар курсатиш, алока хизматлари ва конун ҳужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари буйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи рахбари ______ (имзо) Куранбаев Кадам Саилбоевич Ф.И.Ш.

М.У.

Буюртмачи бош бухгалтери ______ (имзо) Атамуратов Фарход Рузметович Ф.И.Ш.

Газначилик булинмасининг ходими қабул қилди ______ (имзо)

«___» ________________ 20___й.

Буюртмачи ходими қабул қилди ______ (имзо)

«___» ________________ 20___й.

Приложение № 1 к договору

XOR/B2C №-28241232 от 18.01. ,2022год

«3»

На -месяц 2022 года

Тарифы: Бизнес из

Включенный лимит ________________

(3-м-ц) x (абонентская плата 45000 сум) = 135000 сум

Дополнителные 24600 мб 25 сум =стоимость 615000 сум

всего 780000 сум

директор: А.Самандаров

раҳбар: К. Курбонбоев.

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: CV2032025630

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma.

2. **Loyihaning nomi:** Telekommunikatsiya xizmatlari kursatish tugrisida.

3. Xazorasp tuman veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish bulimi «Uzbektelekom» Aksiyadorlik kompaniyasi nomidan 2021 yil 05 yanvardagi 27-01-14/33 sonli ishonchnoma asosida faoliyat yurituvchi Kompaniyaning Xorazm viloyati filiali bilan telekommunikatsiya xizmatlari kursatilishi buyicha kelishib 2022 yil 18 yanvarda XOR/B2G-28241232 sonli summasi 750 000 (Yetti yuz ellik ming) sumlik shartnoma loyixasini ishlab chikkanlar.

4. Mazkur shartnoma loyixasi Xazorasp tuman veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish bulimi tomonidan 2022 yil 19 yanvar kuni Xazorasp tumani yuridik xizmat kursatish markaziga yuborilgan.

Mazkur shartnoma loyixasi amaldagi konun xujjatlariga muvofik ishlab chikilgan va uni kabul kilish maksadga muvofik.

**Xazorasp tumani yuridik xizmat kursatish markazi bosh yuriskonsulti** **I. Xudaynazarov**

2022 yil«19 » yanvar